

КОСМОС БАҲОДИРЛАРИГА ОФАРИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 122 (2413).

21

И Ю Н Б

Ж У М А

1963 ЙИЛ

БАҲОСИ

2 ТИЙИН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1963 йил 20 июнда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВНИНГ «Партия идеология ишларининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этди.

Эрталабки мажлисда К. Т. МАЗУРОВ (Белоруссия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), С. П. ПАВЛОВ (ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари),

М. В. КЕЛДИШ (СССР Фанлар академиясининг президенти) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум Марказий Комитет Пленумининг қарор лойиҳасини тайёрлаш учун ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ раислигида комиссия сайлади.

Кечки мажлисда Г. Н. ЧУХРАЙ (кинорежиссер), Ш. Р. РАШИДОВ (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишлари давом эттирмакда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Н. С. ХРУШЧЕВ КОСМОНАВТЛАР БИЛАН ГАПЛАШДИ

Телефон олдида В. В. ТЕРЕШКОВА

19 июнда Москва вақти билан соат 15 дан 10 минут ўтганида жаҳонда биринчи космонавт киз В. В. Терешкова кўнган жойдан КПСС Марказий Комитети Пленумининг мажлислари давом этиб турган Кремльда телефон қўқидилар ва Валентина Терешкова телефон олдида турганини ҳамда космосга қилган парвози тугалланганини тўғрисида маълумот беришни истаганини хабар қилдилар.

Телефон ёнига ўртоқ Н. С. Хрушчев келди. Телефон орқали қилинган суҳбат куйида босилади.
Н. С. Хрушчев. — Алло, салом Вая!
В. В. Терешкова. Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Министрлар Советининг Раиси Сизга куйидагиларни маълум қиламан: Ер атрофида кўп марта айланиб ўтиш муваффақиятли тугалланди. Учинч тўғрисида берилган тошхирин тўла бажарилди. Белгиланган районда, қишлоққа яқин жойга қўндим. Жараҳатланганим ва лат еганим йўқ. Ўзимни жуда яхши ҳис қилаяман.

Н. С. Хрушчев. Сизни табриклаш билан жуда хурсандман. Бу ерда Брежнев, Микоян, Косигин, Шверник ўртоқлар—Марказий Комитет Президиумининг баъча аъзолари бор. Ҳаммамиз бениҳоя хурсанд бўлиб, Сизни табриқлаймиз ва ўз граждонлик бурчиңизни шараф билан адо этганиңизни тўғайли кўтлай-қиз. Сиз ўз парвозиңиз билан Ватанимизнинг шухратини оширилтиш ва совет аелининг шаънини янада юксак даражага кўтардингиз.

В. В. Терешкова. Раҳмат, Никита Сергеевич, самимий сўзлариңиз учун раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Овозиңиз жуда тетик эшитилапти, гўё кечки зиёфатдан қайтиб келганга ўхшайси.

В. В. Терешкова. Бу ернинг одамлари мени жуда самимий кутиб олдилар, русчасига нон-туз билан кутиб олдилар, мени яхши зиёфат қилдилар.

Н. С. Хрушчев. Демак, нон-туз билан кутиб олдилар ва яхши зиёфат қилдилар деми?

В. В. Терешкова. Ҳа, зиёфат қилдилар.

Н. С. Хрушчев. Жуда саз бўпти.

В. В. Терешкова. Ёрга яхши кўндим, ўтлоқ ер-теп-текис экан. Ўзимни жуда яхши ҳис қилаялман.

Н. С. Хрушчев. Ҳеч қандай лат еганим йўқ деми?

В. В. Терешкова. Бурним сал кўнариб қолди.

Н. С. Хрушчев. Бурним сал кўнариб қолди, деми?

В. В. Терешкова. Ҳеч қис йўқ, тўзалиб кетди!

Н. С. Хрушчев. Ҳа, тўзалиб кетди! Ўзини яхши ҳис этганиңиздан жуда хурсандим. Врочлар сизни кўздан кечириллар, дам олинишга Москвага учиб келганиңизда Сизни муносиб кутиб оламиз, Сизнинг шарафиниңизга жуда катта тўй-томоша ўтказамиз.

В. В. Терешкова. Гамхўрлиғиңиз учун Сизга чин қалбимдан катта раҳмат. Мен космосда гаплаганиңизни жуда аниқ эшитиб турдим, алонга яхши йўлга қўйилган эди.

Н. С. Хрушчев. Мен ҳам гаплаганиңизни яхши эшитиб турдим ва порлаб турган чехрангизни телевидение орқали кўрдим. Бу ҳол бизга дала берди, учинч вақтида Ўзини яхши ҳис қилаётганиңизни, спортчилар айтганидек, авжи кучга тўлиб турганиңизни кўрдик. Энди дам олишга муҳтождирсиз?

В. В. Терешкова. Ҳа, докторлар мени ҳордиқ чиқариш учун олиб кетдилар. Сизга яна бир марта катта раҳмат, Никита Сергеевич. Хукуматнинг ҳамма аъзоларига менинг катта саломимни ва дўстларимнинг саломини топишгайсин.

Н. С. Хрушчев. Раҳмат, биз Пленумда саломиниңизни айтиб берамиз. Ҳозир таънафус, соат 4 да эса, мажлис яна бошла-нади.

В. В. Терешкова. Пленум номидан табриқлаганиңиз учун катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Пленум Сизни эър шодлик билан табриқ-лади. Сиз ерга қўнганиңизда биз бу тўғрида хабар бердик. Пленум катнашчилари ўринларидан тузиб сизни табриқладилар ва парвозни муваффақиятли тугаллашнинг муносабати билан хурсандлиқларини изҳор қилдилар.

В. В. Терешкова. Раҳмат, катта раҳмат!

Н. С. Хрушчев. Қўришгунча хайр, Валентина Владимировна!

В. В. Терешкова. Қўришгунча хайр, Никита Сергеевич!

Телефон олдида В. Ф. БИКОВСКИЙ

Космонавт В. Ф. Биковский ерга қўнганидан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев 19 июнь соат 16 дан 48 минут ўтганида у билан гаплашди.

Езиб олинган шу суҳбат куйида келтирилади.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, Сизга куйидагиларни маълум қилишга ижозат бергайсиз: космонавт учувчи подполковник Биковский жонокан Бонимизга омон-эсон келиб қўнди. Жараҳатланганим ва лат еганим йўқ, ўзимни жуда яхши ҳис қилаялман.

Н. С. Хрушчев. Валерий Федорович, Сизни шундай аjoyиб парвозни муваффақиятли тугаллашнинг билан табриқлайман ва Сиз қахрамонона парвозиңиз билан Ватанимизнинг шухратини оширилтишнинг учун Сизга таъаннуқ ва миннатдорчилик изҳор қиламан. Бу — ишнинг, коммунизм кўриш йўлидаги кўраш ишига қўйилган катта ҳиссидир. Халқ Сиз билан гўя фахрланмакда. Москва Сизни муносиб кутиб олиш учун тайёрланмакда.

Сизга сийҳат-саломатлик, бардамлик-тилайман, яхши дам олишга. Москвага келганиңизда Сизни қахрамон сифатида кутиб оламиз.

В. Ф. Биковский. Сизга жуда катта раҳмат, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Сизни партия аъзолиғиға қабул қилинганлиғи билан табриқлашга ижозат бергайсиз. Сиз космосда бўлган вақтда партия сафиға қабул қилинган биринчи комсомол-сиз.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, Сизга катта раҳмат. Мен партиянинг ишончини оқлайман.

Н. С. Хрушчев. Овозиңиз жуда бардам, ҳеч қандай лат емаганиңизни овозиңиздан сезиб туришман.

В. Ф. Биковский. Аввалим жуда яхши, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Сиз наерга қўндингиз?

В. Ф. Биковский. Қўчатов обласига.

Н. С. Хрушчев. Қўришгунча хайр, Сизни Москвада кутаял-миз.

В. Ф. Биковский. Қўришгунча хайр, Никита Сергеевич, соғ бўлинг.

Н. С. Хрушчев. Қўришгунча хайр, Соғ бўлинг.

Пленумнинг 19 июнь эрталабки мажлисида Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишларининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладни муҳокама қилиш давом этди.

Козогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Юсупов мийбарга чиқди.

— Марказий Комитетнинг бу Пленуми, — дейди у, — Коммунистик партия ва совет халқининг тарихига жуда муҳим воқеа бўлиб киради. Партиямизнинг ҳаёти ва фаолиятида ленинча услуб Ленин вафотидан кейин ҳеч қачон кейинги йиллардагидек тўла ва ёриш рўбга чиқмаган эди. Идеология иш масалаларини муҳокама қилиш учун Марказий Комитет махсус Пленумининг қақрилиши янги кишини тарбиялаш каби мураккаб проблемани ҳал этишда ленинча традицияларнинг давом этирилиши ва ривожлантирилиши-дир.

Ўртоқ Юсупов ўз нутқида айтдики, Козогистонда меҳнаткашларини интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида кўп иш қилинмакда. Қозоқ халқининг қардош Ўзбекистонга ўттизта пахтакор колхоз ва совхозни, уч миллион гектардан кўпроқ ерни топишганлиги интернационализм, халқларнинг қардошларча дўстлиги идеяларини амалга оширишнинг аjoyиб намуналаридан биридир. Бизда, деб ўқитиб ўтди ўртоқ Юсупов, ҳар бир меҳнаткаш шундай муҳокама қилади: у ёки бу ер участкасининг қайси республикага қарашли бўлиши муҳим эмас, бу участкадан Ватанимизнинг бахт-саодати учун яхшироқ фойдаланиш муҳимдир, бизнинг Ватанимиз-бизга, у ҳам бўлса улуг Совет Иттифоқидир!

Нотик қозогистонликлар аjoyиб интернационал дўстлигининг ёркин намуналарини кўрсатади. Ленин номи совхозда рус Кирчев, белорус Баранчук, немис Штолц, ҳуллаз 15 миллиат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб иш-ламоқдалар. Улар ўз хўжаликлари-нинг илгор ҳўжаликлар даражасига кўтардилар. Республиканинг илгор корхоналарининг бири — Усть-Каменогорск қўроғиш-рух комбинатида ишчи Гусман Иброҳимов халқ мулкнин егиндан сақлаш вақтида куйиб ўлим хавфи остида қолган эди. Рус Тимофеев,

қозоқ Бахтибоев, татар Шамсудинов ва комбинатнинг бошча неча ўнлаб ишчилари унга ўз тери-лари ва қонларини бериб, жонини сақлаб қолдилар. Улар болалар-нинг отаси, хотинини эри, ватан-нинг содиқ фарзанди жонини сақлаб қолдилар.

— Биз, совет кишилари бунин коммунизм курувчисининг амалдаги ахлоқ кодексини деб, «Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар!» деган муқаддас принципимизнинг рўбга чиқарилишидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз, дейди нотик.

И. Юсупов ёш саюат шахри — Экибастўз шаҳри меҳнаткашларининг аjoyиб бир таърибига тўғрисида гапладилар. Улар «Болалар тарбияси учун ҳар биримиз жавоб-бар» деган шior остида ўз шаҳ-рини коммунистик тарбия шахрига айлантиришга аҳд қилдилар. Коммунистик меҳнат бригадалари коллектив етакчи бўлдилар. Мактаб дўстлари бўлган минг-минглаб жамоатчилар ўқувчиларнинг ўйларига бориб, ота-оналари билан суҳбат қилиб турадилар. Бунинг натижасида қончилар шахрида болалар назоратчилиғиға барҳам берилди. Қўчаннинг ёмон таъсирига ҳеч қўйилди. Мактабларда ўлашти-риш анча яхшиланди.

Нотик АҚШ ва бошқа импери-алистик давлатлардаги буржуа матбуотининг Козогистон тўғриси-да разил уйдирмалар тўқитган тўхматчиларига кескин зарба бе-ради. Совет Козогистони — чет Шариданги мамлакатлар учун чи-накам машъалдир. Козогистон республикаси саюат ишлаб чиқа-риш даражаси жиҳатидан Осиё мамлакатларининг асоси балки Европадаги ривож тошган бошқа кўпгина капиталистик давлатлар-ни ҳам орқалда қолдириб, Козогис-тон республикасида революциядан илгарти даврга нисбатан 72 бара-вар кўп саюат махсусоти ишлаб чиқаришда, қўриқ ва буз ер-лар ўзлаштирилиши натижасида Козогистоннинг экин майдони қисқа вақт ичида 22 миллион гек-тар бўлди. Бу муваффақиятлар Ватанимиздаги барча қар-дош республикаларининг ва ав-вало, улуг рус халқининг бе-баҳо ёрдами тўғайли қўлга кири-тидди.

КПСС Куйбишев саюат облас-ти комитетининг биринчи секретари

А. М. Токарев куйидагиларни ай-тади:

— Идеология ишлари янада та-комиллаштириш, меҳнаткашларга сиёсий тарбия бериш — социалис-тик ишлаб чиқаришнинг узлуksиз ривожлантирилиши энг қудратли резервларидан биридир.

Куйбишев обласи партия таш-килоты Марказий Комитетнинг асосий талабини, яъни ҳўжалик, совет ва партия ташкилотлари ай-шим раҳбарларининг идеология ишига жоҳилларча ва назар-и-санд қилмай қарашларига барҳам бериш талабини ўз фаолияти учун асос қилиб олди. Ҳозирги вақтда кўпгина корхоналарнинг раҳбарла-ри, партия ва совет ходимлари иш-чилиғи ўртасида мунтазам суратда сиёсий темаларда доклад қилимоқ-далар, уларнинг ўйларига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлаш-моқдалар. Бу эса, ишлаб чиқариш ишизомини мустаҳкамлашга, меҳ-нат ишизомини оширишга ижобий таъсир кўрсатмакда.

Область партия ташкилотла-ри деб таъкидлайди нотик, таш-килотчилик иш билан идеоло-гия ишнинг чамбарчас боғлаб-олиб боришга ҳаракат қилимоқ-далар. Ҳозирги вақтда партия комитетлари амалга ошираётган та-дбирлар таърибига тўғрисини бўли-млар томонидан идеология бўлима-ри ва партия органлари бўлима-ри ходимлари билан маҳкам боғ-лашиб тайёрланмакда. Ўртоқ То-карев айтдики, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичевнинг докладиди ишлаб чи-қаришда кишиларнинг ташкилот-чилиғи ва мураббийли бўлган мастер-нинг роли жуда тўғри кўрсатиб-берилади. Обласда саюат корхо-налариди барча мастерлар мун-тазам суратда аттестациядан ўт-казилябошладилар. Бунда мастерлар-нинг ишчанлиги ҳислатларига эмас, балки маънавий-сиёсий иш-латлари, кишилар билан пухта иш-лай олиш маҳоратлари ҳам эъти-борга олинади. Корхоналарнинг раҳбарлари мастерларнинг тарбия-лаш масаласи билан кўпроқ шу-гуллана бошладилар, натижада мастерларда жавобгарлик ҳис-си кучайди.

Область партия ташкилотла-ри олиб бораётган идеология иш, дейди ўртоқ Токарев, саюат, транспорт корхоналари ва қўришчиларнинг ишларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Обласдаги қор-

хоналарнинг коллективлари 1962 йилда асосий сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича социалис-тик мажбуриятларини ошириб ба-жардилар. Шу йилнинг дастлаб-ки беш ойи давлат плани мудда-тидан илгари бажарилди.

Ўртоқ Токарев ўз нутқида иш-лар ўртасида сиёсий-тарбия иш-ига катта эътибор берди. У айта-дики, область партия ташкилот-ишлар тарбиясини тубдан яхши-лаш учун керакли тадбирларнинг ҳаммасини қўриганича йўқ. Ёшлар-нинг бир қисми ўртасида текни-кўрлик, икътимоий ҳодисаларга баҳо беришда инглизм, ўз оила-вий вазифаларини бажаришга енг-илтанлик билан қараш каби ҳол-лар ҳали барҳам тошган эмас. Но-тиқ мактабларда тарбия ишларини уюштиришда катта нуқсонлар, ишлаб чиқариш коллективларининг ёшларга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, оилада тарбия ишларининг ёмон қўйилганлиги бу-нинг асосий сабабларидир, деб ҳи-соблайди.

Область партия комитети ёш-лар ўртасида тарбия ишлари кў-чаптириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқди ва бу тад-бирларни амалга оширмакда. Мак-табнинг оила билан ва ишлаб чи-қариш билан алоқаси мустаҳкам-ланмакда, ишлаб чиқариш коллек-тивларининг мактабларини оилалик-чи олишлари яхшиланимакда. Олий ўқув юртрларида таълимни татқи-қиб кишилар билан бирга қўшиб олиб боришга катта эътибор қи-линомакда. Бу эса, ўқини процес-сини янги мазмун билан тўлдир-ишга ва уни амалий иш негизи-га қўради. Ёшларни ишга ижод-ий муносабатда бўлишга, меҳ-натни севинишга ўргатади. Шу билан бирга педагог кадрларнинг таълим учунгина эмас, балки ўқувчи ёшларни юксак гоъийлик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш учун ҳам жавобгарли-ги оширилди. Шу муносабат би-лан ўқувчилар ўртасида тарбия иш иш кучайтирилади, ўқувчи кадрлар танлаш ача пухта уюш-тирилади.

Партия ташкилотлари ва улар-нинг раҳбар органлари структур-аси ҳамда фаолиятини Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қар-орига мувофиқ қайтадан қуриш-деб таъкидлайди ўртоқ Токарев, партия органларининг оммага сиё-сий ва ташкилий раҳбарлик қи-

лиш соҳасидаги ўз бурчларини ях-широқ бажаришлари учун кулай шарт-шароити вужудга келтири-ди.

Партия Марказий Комитетининг Пленуми идеология иш масала-ларини муҳокама қилаётганлиги-дан ҳаммамиз гоът мамунимиз, деди «Известия» газетасининг бош редактору А. И. Аджубей ўз нут-қида. Нотик партиянинг сўнгги ўз-и бил ичидидаги фаолиятини тавсиф-лаб берди. У шунини эълатиб ўти-дики, ўн йил муқаддам Сталиннинг вафотидан кейин буржуа матбуоти ва буржуа сиёсатчилари «Россия-нинг ичида емирилиш бошла-нади», деб жар солган эдилар. Ўн йил муқаддам кўп нарсга гоът му-раккаб эди, дейди сўзини давом эттириб ўртоқ Аджубей. Мана шу ўн йил ичида қандай яшганимиз-ни, нималарни ўрганганимизни бир эслайлик, ҳақиқатан ҳам кўп нарсани: конкрет ишларни, иш-чанлиқни, ростгўйликни, дадил-лиқни ўргандик. Биз Ленин васи-ятлари асосида яшадик ва шу-нинг учун ҳаммамиз енгил нафас ола бошладик. Биз партиянинг ленинчи штабидан — Марказий Комитет Президиумидан, Биринчи Секретаримиз ўртоқ Н. С. Хруш-чевдан таълим олдик.

Партия қудратли, яшнаётган, бахтиёр коммунистик жамиятни барпо қилиш тўғрисидаги идея амалга ошириляётган, коммунизм-нинг моддий-техника базаси яратилётган пайтдагина марксча-ленинча назарий чинакам ривожла-нади, деб таълим бериб келди ва таълим бермакда. Бу тўғрида пар-тия XXII съезидида, КПСС янги Программасида гоът образли қи-либ аниқ ва тўғри айтиб қўйилди.

Маъмурий темаларда тумтароқ-ли ва хомиесиз назарий асарлар ёзиш билан овора бўлиб, айна ма-ҳалда халқнинг турмуши муттасил ва тобора яхшиланиб боришини, халқ турар жойга, озиқ-овқат маҳ-сулотларига, чиройли кийим-ке-чанка елчанган бўлишини, инсон ҳаётида материя билан руҳ бир-биригини гармоник тарзда тўлдир-ишнинг ўйламаётган шўринг қўруғу назарийчиларга келганда шунини айтиш керакин, бундай на-зарийётчилар ўз-ўзларигагина сало-батли бўлиб қўринадилар, маркс-изм-ленинизмни «назарий» жиҳат-дан шу таҳлида ишлаб чиқишдан Маркс ҳам, Ленин ҳам юз ўтир-ган бўлур эдилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

ФАН ВА ТЕХНИКАМИЗИНИНГ БУЮК ЗАФАРИ

„ЧАЙКА“ БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ

ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Шахтёрлар шахри — Қарағанда меҳнаткашлари космос қахрамони В. Терешковани самимий кутиб олдилар. Мингларча кишилар аэродромга тўпландилар. Ҳамма ёқдан:

— Вая! Вая! Космос қахрамонига шон-шараф-лар! — деган хитоблар эшитилди.

Машиналар аэродромдан шаҳарнинг кўмқўк кўча-лари бўйлаб юриб ўтди ва совет халқининг шонли қизини табриқлаш учун бутун аҳоли кўчага чиққан-га ўхшайди. Машина кичик бир уй олдида келиб тўхтади. Космонавт киз космосда уч қуниқ пар-воздан кейин шу ерда дам олди.

Вая Терешкова унинг балқонига чиқди, уни эса: Ваялга шон-шарафлар! Ваялга шон-шарафлар! Совет хотин-қизларига шон-шарафлар! — деган хи-тоблар билан кутиб оладилар. Вая қўлини кўтари-ди ва майдонда, уй атрофидаги боғда бир зумда жимжитлик қўқалди.

— Азиз дўстлар, — деди Вая, — Шу қалар яхши, самимий кутиб олганиңиз учун раҳмат. Сизлар-га катта раҳмат!

... Мана биз қахрамон киз билан биринчи марта суҳбатлашиб ўтирибмиз. Вая бардам, хушчақчақ, ҳазиллашиб, қулишиб ўтирибди. У, ҳали ҳам Н. С. Хрушчев билан суҳбат таассуроти остида эди. У, Н. С. Хрушчевга ўз топириғини бажарганиғи ҳа-қида доклад қилди ҳамда кўрсатган жасорати учун

оталарча мақтов сўзларини, халқ ва партия номидан айтилган ташаккурни эшитди.

Биз қахрамон қиздан ўз парвози ҳақида бир неча сўз айтишни сўраймиз.

— Ҳаммаси яхши ўтди. — Программа тўла бажарилди, — деб жавоб беради Вая. — Қўриб турибсиз-ки, кайфитим жуда яхши.

Шу пайт Ваялга шаҳар шахтёрлари номидан кич-ик бир совға — шахтёрлар каскаси ва шахтёрлар лампочкасини олиб келишди.

Вая дарҳол каскани бошига кийиб ўлчаб кўра-ди. Каска биринчи космонавт қизга жуда ярашиб тушди.

Қўнғироқ овози суҳбатимизни бўлади. — Кечирасиз, — деди Терешкова. — Бу бош кон-структор. У, бош конструктор билан отаси билан гаплагангадди гапладилар, қиз бош конструкторни ни-ҳоятда ҳурмат қилди, унга ниҳоятда ишонди. Вая улга космик парвоз ҳақида, ушунинг тафсилотлари ҳақида гапладилар ва таъини қўйилган сўзлар билан тавомонлайди: «Ҳамма яхшилашганиңиз учун раҳмат. Сизни гойибона ўпалам. Учраганимизда ҳамма гапларни батафсил айтиб бераман».

А. РОМАНОВ
(ТАСС махсус муҳбири)

19 июнь.
Ерга қўнш район.

ОНАЛАР ФАҲРИ

Совет самогирлари Валерий Би-ковский билан Валентина Тереш-коваларнинг осмон-палакка қил-ган парвози ҳамда она Ер қўйишга омон-эсон қайтиб тушганиданги ин-сон ақли ва идрокки нималарга қодир эканлиғини яна бир бор исбот этди.

Тўғри-да, дунё дунё бўлиб бун-дай улкан мўъжизани қўрмаган эди. Космосга қилинган бу парвоз аjoyиб фаннинг равақини ола-мга таратди, техникамиз қудратини тилларда дoston қилди.


Фаоқорларимизнинг муваффа-қияти айниқса оналар қалбини кўндаларга тўлдирди. Оналар совет шунқорларини худди ўз фарзандларидек ардоқлашапти.

С. ОДИТОВА,
қахрамон она.

БУ РАҚАМЛАРИ СОЛИШТИРИВ КЎРИНГ

1961 йил 12 апрелда Юрий Алексеевич Гагарин би-ринчи бўлиб космосга парвоз қилди. У бир ярим соат ичида «Восток» кемасида ер шарни атрофини айланиб чинди.

Атиги икки йилгина вақт ўтди, космонавтарларнинг парвозлари анди суткалар билан, космосда б



... БИЗ ПАҲТА ЕТИШТИРИШДА МЕҲНАТНИ БАТАМОМ МЕ-
ХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШИМИЗ МУМКИН ВА КЕРАК. САБОТ,
МАТОНАТ, ҚАТБИЯТ КЎРСАТИБ, МАШИНАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИ-
ҚАРИШГА ЖОРИЯ КИЛИШ КЕРАК.

Н. С. ХРУЩЕВ

Уртоқ Қолдибой Қайчиев биринчи бўлимнинг иришкор сучасисдир. У кунлиқ нормани икки иссага етказиб адо этаётди. Қолдибой ана ус-лини билан суғораётган пайналларнинг гўзала-ни ҳозир ёппасига гуллай бошлади. Суратда: Уртоқ Қ. Қайчиев.

ТАХТАЕВ — буилинни коммуни-
тик меҳнат бригадаси бошлиқлари, ак-
таб Абдулла, Медат Усмон, Сеидме-
ДАВЛЕТОВЛАР, Кимсанбой ОТАЛИ-
КОВ, Маҳмуд ҲУСАНОВ, Абдувоҳид
МУРОДОВ, Саидамет БЕРБЕРОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг сўт еттиштириш кўпайтириш ва сўт ҳарид қилиш лавини мўддатидан илгари бажариш юзасидан ишлаб чиқин тadbирларини маъмуллаб, объект партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, холхозлар ва совхозларнинг партия ташкилотлари зиммасига Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидан ибрат олиб, ҳар бир хўжалик ва фермада сўт еттиштириш ва уни давлатга сотиш лавларини бажариш юзасидан тadbирлар белгиланб чиқин ва уни амалга ошириш ва-зифасини юклиди.

Шу билан бирга айрим хўжа-
ликлар сут етиштириш ва сут тай-
ёрлаш давлат планларини бажар-
ишда ҳали ҳам орқада қолмоқда-
лар. Бошқарма бўйича олганда

ТАДБИРЛАР КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАР-
МАСИДАГИ КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИДА МУҲОКАМА
ҚИЛДИНГАН ВА ТАСДИҚЛАНГАН.

дори — Зайнаб Гойипова бошчилилик қилаётган бригада бугун баракали «оқ олтин» хирмони учун курашиниг авангарди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

тўқис етиша олмайди

Гапни қадронимиз
Нията Сергеевич
Хрущевнинг қуйдаги
сузларидан бошламақ-
чимиз: «Машина — деҳ-
қоннинг чин дўсти».
Бу гапнинг замирида
олам-олам маъно ётади.
Ҳақиқатан ҳам агар
деҳқон узоқни яқин,
мушкулни осон қилади-
ган машинага меҳр-
мухаббат қўймаса, ун-
га суяниб ништурса,
асл муддаосига тўла-

Кейинги йилларда одамлар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози сўзини эшитишганида бир қувониб қўядиган бўлишди. Хўш,

бунинг ботиқ нимада? Боиси шундаки, бизнинг совхозимизда машина билан чинакамги дўстлашган деҳқонлар ишлашди, боиси шундаки, машиналардан хўжақўрсинигагина фойдаланилмайди, аксинча пахтачиликдаги ишларнинг деярлик ҳаммаси шу машиналар кучи билан бажарилди. Маъна шунинг учун ҳам биз йил сайин янги-янги зафарларни қўлга киритаямиз.

Хей икяланмасдан айтиш мүмкин, республиканизмнинг, жумладан областимизнинг даярди ҳамма хўжаликларидая ерни шудгорлаш, оқишга тайёрлаш, чигит экиш, гуза қатор ораларини юмшатиш, ўсимликни чеканка қилиш иллари асосан механизацияштирилган. Энди пахтакор деҳқонлар олдидя яна битта мураккаб проблема турбиди. У ҳам бўлса энг сермухнат иш — пахта йиғим-теримнинг комплекс механизацияштиришга эришишди. Ҳозир бу проблемани даярди ҳал қилиш, бир қанча маҳалла ва районларда улардан ҳар қанчя ўрғач олдс уларнинг иш қор иш тажрибаларини ҳар қанча ўргалса эришибди.

Бизнинг совхозимиз ҳам ана шундай машъал хўжаликларнинг биридир. Совхозда машина теримига қандай тайёргарлик қўриляпти? Зинди ана шу хуусуда батафсил фикр юритмокчимиз. Кўпчилик илгор пахтакорлар «Биз машина теримига кўндалдан тайёргарлик қўрляймиз» дейишлад. Жуذا яхши, бу гапни олқийшлад керак. Аммо биз «машина теримига кузданок тайёргарлик кўра бошляймиз» деймиз. Бундай дейишмизнинг сабаби йўқ эмас албатта. Агар ер кузда барвақт шудгорланса, баҳорда барвақт этилад, ер барвақт этилса, чигит барвақт экилад, чигит барвақт экилса, пахта барвақт пинад, пахта барвақт ишса, машиналар яхши ва унумли ишлад, ҳосилнинг срти юқори бўлад, «пахтам қорғинг ортида қўлиб кетди, шунинг учун плавни бақара олмадим» деган баҳоналарга сира ўрин қолмайди.

Бў йилги мўл пахта ҳосилига ўтган йилнинг биринчи ноябрдан бошлаб замин кура- бошладик. Барча майдонларимизни 22 де- кабрга қадар сифати шуг'орлаб бўлдик. Ёр ҳақиқатан ҳам ҳар тектар майдон ҳисобида 250 килограммдан сугутфосфат солдик. Виз- тада шуг'орлаш шўнинг учун ҳам об-и-тобида ўтказилдики, машиналар уюмиди ишлагани- ги учун ер ҳосилдан барвақт бўшатилади, бундан ташқари бўзиминизнинг бешта ҳайдов трактори бор, улар бешта бригадага биттадан тақсимлаб берилган. Ҳамма бригадаларда бирваракайига ер ҳайдаланди, бу иш бирвара- кайига тугатиланди.

Южорда шудгор барвакт бўлса, оқибат натижада пахта барвакти пиллади деган эдик. Бу фикримизга яна битта далил келтирмоқчимиз. Ушбу ҳаёлатдан Турматов бошликлик қилаётган еригидан шу йили Баҳорида ярим гектар ерга ўзлаштириб чиқит эдикки. Қозир кузда шудгор қилинган ерларнинг фўзалари тиз-за бўйи бўлди шонаар гулга айланмоқда. Баҳорида шудгор қилинган ўша ярим гектар ерданги фўзалар эса эдди бир-бир ярим қарич бўлиб ёсди Турган гапни бу ерда пахта кеч пишала. Маана шунинг учун ҳам биз машина теримига бир йил бурун ҳозирлик кура бошлаймиз.

Машина теримнинг муваффақияти ерни экишга кўнгилдагидай тайёрлаш, чигитни ниҳолда сифатли қилиб экишга ҳам боғлиқ. Агар ҳамма уяларга чигит тушмас экан, ҳамма қаторлар чизгичдай тўғри чиқмас экан, машиналарнинг юқори унум билан ишлаши тўғрисида йўлб ўтirmаса ҳам бўлади.

«Мана бу картанининг пахтаси машинда териб олинади» деган гап бизнинг бўлими миздагилар учун ва умуман совхозимиздагилар учун аллақачон эскириб қолган. Бўлимида бирорта пайкал йўқки, унинг пахтаси машинада терилмасин. Бу йил 740 гектар ерга чигит эдик. Уруғлиг ҳамма майдонларга квадрат-улаб жойлаштирилди. Пахтаторларимиз ёъза ердан бош кутариб чиққан кундан бошлабқ уш уш машинабон қилиб ўстиришга ушларди, келдилар.

Биз «гуза калтабақай бўлса машина яхши ишлайди», «пахтасти машинада теридиган гузаларнинг бўйи 70—80 сантиметрдан зинҳор ошмаслигини керак» деган гапларни қўчиликнинг оғзидан, ҳатто айрим уста пахтакорларнинг оғзидан эшитаямиз. Бу гапларни инкор қилмаймиз, албатта. Аммо бизнинг тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, бўйи бир

метрга етга гузаларнинг пахтасини машина
бемалол териб олар экан. Ҳўш, бундай гуза-
ларни годдаб кетган деб ҳисоблаш мумкинми?
Пў! Бундай гузалар энг маромига етган ма-
шинабон гузалардир. Пахта ҳосилдорлигини
ҳам энг юқори чўққига кўтараман. ҳам маши-

наларни унмил ишлатаман деган деҳқон ғузвани бир метрге қадар ўстирса пайд емайди. Машина теримининг муваффақияти кўчатнинг бут бўлишига ҳам боғлиқ. Ғузз туллари ҳаддан ташқари қалин ҳам бўлмасин, сийрак ҳам бўлмасин, нормал бўлсин. Биз гектар бошига 95—100 минг тул кўчат бўлса бу ҳолин нор-

В. Салов фотоси.

мал деб билариз

барадиган брошюрадазори 9.10.88 21.10.88 1988 1988

Кейинги пайтларда маҳалла комитетлари фаолиятида кескин бурилиш ясалди. Уларнинг иши тобора яхшиланмоқда. Маҳалла комитетлари район Совети ижроия комитетларининг энг ақил ёрдамчилари бўлиб қолди. Айниқса жамоатчилик асосларида амалга оширилган тадбирлар кишини кўнглини ўз территорияларини оёғи ва кўрама қилиш, ҳашир усулида жамоат биналари куришда актив иштирок этмоқдалар. Аҳоли ўртасида оммавий-тарбиявий ишлар борган сари яхшиланмоқда.

Хозир пойтахтимиздаги кўпгина маҳалла комитетлари ҳузурида ўртоқлик судлари, пенсионерлар ва хотин-қизлар советлари, маданият-оқратув ва маориф комиссиялари ҳамда бошқа хил бичиққан секция ва гуруҳлар жамоатчилик йўли билан муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Октябрь районидаги «Илгор» маҳалласидаги намунали ишлар кўпчилиги маъмури. Маҳалла комитети (раиси Х. Алимов) аҳолини жамоатчиликка таниган ҳолда жуда катта ўзгаришлар қилдирилди. Маҳаллада кўпчилик кучи билан қўриқлан ҳамамадли клуб ва агитпулнинг меҳнаткашларнинг ҳақиқий маданият дам оладиган жойига айланган. Бу ерда тез-тез қилинган уюштурув, турли ташаббуслар, лекция-суҳбатлар, ўтказиб турган одам тўсила кириб қолган. Оммавий-тарбиявий ишлар намунали бўлган қўрилган. Баъзи жанжалли масалалар, оилавий келишмовчиликлар ўртоқлик суди томонидан ҳал қилинган.

Эскилик сарқитларига қарши кескин кураш олиб боришда асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган Киров районидаги Карл Маркс номи маҳалла комитетининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Маҳалла аҳолиси ўзининг бир йилигида ўтмиш сарқитлари, ортиқча чимилларга сабабчи бўлаётган даҳмазали тўй-ҳашамлар, мутлақо кераксиз расм-рўсусларга каттиқ баҳкам бериш масаласини қизғин муҳомада қилдирилди. Ана шу йилги қатъиятчи

КЎШНИНГ ТИНЧ—СЕН ТИНЧ

МАҲАЛЛА ТАРВИЯ ҲОРИ ВЎЛСИН!

ларининг истақ-мулоқазалари асосида ёзилган «Тоғора ташвиши» сарлавҳали материал газетамизда босилган, жуда кўп маҳаллаларда, қишлоқ ва қолхозларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳомада қилинди. Меҳнаткашлар эскилик қолдиқларини тугатиш юзасидан ўз фикр-мулоқазаларини баён қилдирилди. Юқоридаги маҳалла комитети тоғвий-тарбиявий ишларини ўтмиш сарқитларига қарши курашнинг кучайтиришдан бошлаб жуда тўғри қилмоқда.

Чиланзор районидаги Охунбобоев номи маҳалла комитети фаолиятидан ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин. Комитетнинг кенсаси, ишчан раиси Марҳамат опа Кенжаева кўпчилик уй ишлари билан шуғулланувчи аёллар ўртасида турли оммавий-тарбиявий йиғилишлар ўтказди. Маҳаллада жойлашган маданият уйи (директор Ф. Хўжаева) коллективни маданият-оммавий тадбирларини ўтказишда катта ёрдам берипти.

Бундай қувончли фактлардан яна анчасини санаб мумкин. Лекин минг афсус билан галатирок фактларини ҳам айтиб ўтмасак бўлмайди. Дардини яширсанг иситма-иш ошкор қилади дейдилар...

Газетамизнинг шу йил 14 апрель сониде босилган «Одган тушса ҳам...» сарлавҳали танқидий мақолани ўқигандирсиз. Унда Октябрь районидаги «Уйғур» маҳалла комитетининг раиси Х. Шамсиевнинг кирдиқорлари фоти қилинган эди. Андиша-ю-одамгарчиликнинг оғи ости қилган бу раис қонунсиз олд-сотдиларга бош бўлиб шириниомохурлик билан кўнглини келган. Бунинг устига кўпчилик масаласи бўлиб юришдан ҳам ўзини тийолмаган. Хўш, қани айтишнинг бундай одам маҳаллада оқсоқол бўлаоларми? Газета мантиқини маҳаллада муҳомада қилинган.

линганида кўпгина софдил кишилар бу саволга дангал «йўқ» дейишди. Шунинг учун умумий йиғилиш Шамсиевни раисликдан олиб ташлади, комитет составини янгиллади.

Газетамизнинг шу йил 16 март сонидеги «Уртўқмоқ» рубрикасида «Панд емаган тановчи» сарлавҳали материал босилди. Мақолада Чиланзор району «Халқият» маҳалла комитетининг раиси А. Миролмоявнинг узоқ йиллардан бундан бироқ ерда ишлаб раислик лавозимини, текни дармад топиш мабзита айлантириб олган оғи ташланган эди. Бу ерда ҳам уй-жойларини «хона» қилиб олиб-сотиш, маҳалла раисига «хизмат ҳақи» тўлаш қоида қилиб қўйилган. Район ижроия комитети ва район прокуратураси мақкур материални маҳаллада аҳолининг муҳомадасига ташлаб тўғри иш қилди. Умумий йиғилишда маҳалла комитети раиси Миролмоявнинг қилмишлари қатъий қораланди. Ишдаги намчилик-пуксонлар оғи ташланди.

Аммо айрим тугуруқсиз нотинч минбарга чиқиб олиб, «раисчи» тилло одам, ҳар қанча ёлғиз-розимиз» деб оғиз кўптиришди. Рўй-рост айтиш керакки, қилмишларини бу йўсунда ҳасп-пўшлар, биронинг ноқуя қилмишларини оқлашнинг охири бахайр бўлмайди. Шунинг учун ҳам умумий йиғилиш бошқача қарор қилди. Раис Миролмоявнинг ҳаракатларида жиноят бўлса ҳам унинг кенсалиги, қилмишларидан пушаймон бўлганини назарда тутиб унинг раислигини бундан тўғри унинг составидан чиқариш билан чекланди. Район ижроия ва прокуратура ҳам кўпчилик ҳукмига қўшилишди.

Бизда хотин-қизларнинг иззат-ҳурмати баланд. Уларнинг эркин ҳеч қандай монелик йўқ. Турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, эл-юртнинг ҳурмат-этиборини қозонаётган, эркаклар билан баббаравар меҳнат қилаётган ишчилар, ишчан хотин-қизлар сон тобора кўпаймоқда. Аёлларни раҳбарлик постларига қўтаришга жиддий этибор берилаётган.

Бироқ ўларига билдирилатган юксак ишонч, иззат-ҳурматларини оёқ ости қилиб, талтайиб кетаятган айрим аёллар ҳам йўқ эмас. Магазин-Мавзу маҳалла комитетининг раиси Марҳамат Саъдуллаева бир неча йилдирки, Октябрь райони ижроия комитети назарда «эркакой» раислардан ҳисобланб келди. Лекин у бирон фойдали иш қилгани? Йўқ, аксинча, қолоқ-тушунчаси доирасида майда-чуйда гаплар қобинига ўралашиб юрaverди.

Натижада бу маҳаллада на оммавий-тарбиявий ва на маданият оқратув ишлари бор. Номига тузилган комитет аслида яна иш қилмай билиб бўлмайди. Бу ерда мактаб ёшидаги болаларнинг анчагинаи ўқинишга вақтида тортилмай қолган. Ижтимоий меҳнатдан бўйин товлаётганлар, ҳўжа кўрсини ишлаётган шахслар ҳам топилади.

Эки Октябрь районидаги Комитетери маҳалла комитети раиси Назим Умаровани олиб кўрайлик. У кўпчилик софдил кишилар устидан шикоятбозлик билан шуғулланиб келди. Ўз мансабидан фойда

ланиб, маҳалладаги уй-жой олд-сотдиларини шириниомоху еинига маваҳхурак бўлиб қолди. Ўзбошимчилик билан 30,68 квадрат метр ҳажмида уй-жой кўриб олди. Ижтимоийликка қарши курашда ёрдам бериш ўрнига оғир жиноят содир қилган баъзи ашаддий жиноятчиларга хомийлик қилмоқчи бўлди. Буларнинг устига еш бўла-турли бирон ерда ишламай маҳалладан тушайтган текни даромадлар ҳисобига яшаб келди.

Октябрь райони ижроия комитети йиғилишида унинг ана шу ноқуя ҳақи-ҳаракатлари муҳомада қилиниб, Умарова бундан кейин маҳаллага раислик қилаолмаслиги, шунинг учун бу масалани маҳаллада умумий йиғилишга ҳавола қилиш керак деган қарорга келиди. Умумий йиғилиш ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлади. Кўпчилик қарори билан ишчан раис вазифасидан бўшатилди. 13 кишидан иборат янги состав сайланди.

СОЯ-САЛҶИН ЖОИЛАРДА...

Езининг иссиқ кунларида соя-салқин жойда дам олиш кишига қандай ором бахш этади. Ўғил-қизларнинг қаникун кунларида ҳуш-ҳава дам олиш учун шаҳар комсомол комитети бир қанча тадбирларни амалга оширди.

Пойтахтимизнинг барча маданият ва истироҳат боғларида, соя-салқин мактабларида, уй-жой бошқармалари ҳузурида 62 та пионер лагерги таъинил этилди. Бу лагерларда ўғил ва қизлар турли кўнглозар ўйинлар билан шуғулланиб, мазмунли дам олишати. Пионер лагерларида яхши ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шаронглар яратиб берилган. Ҳар бир ёш ўзининг севган машғулот билан шуғулланади.

Болалар дам олиш билан бирга ҳафтада бир марта автомашиналарга тушиб, областимизнинг турли соя-салқин, ҳушманзарра жойларига похода қиладилар. Ўғил-қизлар завод-фабрикаларга экскурсиялар ташкил этадилар. Ишлаб чиқариш идоралари, ёзувчилар, композиторлар, санъат арбоблари билан ҳам уршувлар ўтказадилар.

Бу пионерлар лагерларида 20 мингдан ортиқ шаҳар меҳнаткашларининг фарзандлари қаникунли ҳуш-ҳавақилик билан ўтказадилар.

Реклама
ВА Эълонлар
ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21 ИЮНДА
ВИРНИЧ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Чумоли Ферда (мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун кўнглоқ фильм), 18.35 — Ўзбекистонда фан тарқиқтирини истибболари (олимпиада суҳбати) 19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.20 — Қишлоқ хўжалик қилимлари учун, 19.35 — Кўчалар унутмаган номли бадиий фильм.

Рус тилида: 21.00 — Халқаро масалалар, 21.20 — Телевизион янгиликлар, 21.40 — Совет Тожикистони киножурнали ва Насриддин Бухорода номли кинокомедия.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.10 — Инсон ҳаво онеанини заёт этмоқда (илмий, оммабоқ лекторий), 19.40 — Ўзоқ ва яқин (В. Железняков пьесаси асосида телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЗ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёғи бино) — гастролга чиқиш олдидан—21/VI да ИШИҚИН БИЛАН, 22/VI да Тошбута оғи.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёғи бино) — 21—22, 23/VI неч соат 9 да Ўзбек давлат эстрадаласи концертлари, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган артист Муҳаммад Мирзаев, эстрада солистларлари Фахриддин Умаров, Тўхта Рисметова, Дилбар Абдуллаева ва қолгу айсамбли қатнашади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. 21/VI даги концертдан тушган йнги «Тинчлик фонди»га топширилади.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА:
Жангда тобланган ёшлик — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).
Римлик журналист — «МИР», НАВОИИ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).
Номсиз қашшоқ, аммо гўзал — «ВАТАН» (кундуз соат 1, 3, неч 5 ва 7 да).
Напрон тўр — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).
Йўлаб олинг — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).
Петербург немаси — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).
Уч мушкетёр (1-серия, тоқ соатларда), Сунғи дойм (кеч соат 6 ва 8 да) — «ВОСТОК».

ЎЗГИ ВИНОВА:
(Советлар неч соат 9 ва 10.40 минутда)
Эрини шамол — «ВАТАН», Утган ёзда — НАВОИИ номли. Римлик журналист — «ФЕСТИВАЛЬ».
Йўлаб олинг — КАФАНОВ номли. ТЕМЕЛМАН номли, «ШАРҚ», Соф виқондан — «ПОВЕДА», Менинг қизим — 1 МАЙ номли. Тўрт юрак — «МЕХНАТ», Тинчи омон — «ПАХТАКОР».

Урта Осиё халқ хўжалиги кенгаши ЕНГИЛ САНОАТ ВОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПРОМКОМБИНАТИ тугатилади
Давролар 26/VI гача.

Собир Раҳимов кўчаси. Қорасот проезд, 12-ўйда турувчи Аралхай Ханалыевич Ахуновнинг шу уйда турувчи Тамара Нахимова Ахуновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь району халқ судида кўрилади.

Чирчиқ шаҳар. Кирлов кўчаси, 4-ўй, 5-квартирда турувчи Эрин Ахатович Бисеровнинг Рамазон кўчаси, 113-ўйда турувчи Валентина Иосифовна Яковленовдан ажралиш ҳақидаги иши Чирчиқ шаҳар халқ судида кўрилади.

Қисловод кўчаси, 1-линия, 27-ўйда турувчи Вазорат Тошхоннинг шу уйда турувчи Тоғи Тошмухамедовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров району халқ судида кўрилади.

Қозон кўчаси, Рўмол тупиқ, 6-ўйда турувчи Акрон Азимовнинг шу уйда турувчи Рафина Азимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь району халқ судида кўрилади.

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областного комитетов КП Узбекистана, Ташкентского городского областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Сенаторлар — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қўрилиш бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, санъат, транспорт ва махаллий ахборот бўлими — 33786. Катталар бўлими — 34048. Илгор таъриқларнинг пропаганда қилиш шатсиз бўлими — 31336. Ўзлонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қишлоқ Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўрх» билишман наштиришчи босмаотаси.

Р. 08293. ИНДЕКС 64695. 1620.

ИШЧИ МУХБИРЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Пойтахт ишчи мухбирлари университетиде ички йиллик машғулотлар тусаланди. Ишчи, инженер, техник ва хизматчилардан 70 киши университетни тўғридан-қўриқ қўриқда шаҳарда оқратмоқ оладилар. Улар ўқиниш давомида олган билимларини турли газета редакцияларида амалий ишда қўрсатдилар.

Университетни битириб чиқувчилар орасида таъриқли ишчи мухбирлар ҳам, ўз кўнглини андишани синиб қўриқган ёш хўжалиқчилар ҳам бор. Вагон депозитининг мастери П. Е. Тобанов, «Обсерватория»

инструктори Л. А. Бекшенев, «Автограф-рокетта» заводининг тункувичи В. П. Циганков, «Узрмевс заводининг слесари М. Мирзаев, «8 Март» фабрикасининг қашқачиси Озода Юсупова ва электротрибор заводининг ишчилари Наима Рустамова ҳамда матбуотчилик бошқа жамоатчилари халқ профессонал журналист бўлмасалар ҳам газета ишини жуда севадилар. Улар ёзган мақола ва хабарларда ҳаётда янгиликни илалли руҳи сезилиб туради.

дарида тинеловчилар газета жанрлари, газета ишининг таъриқбаси билан танишиб қўриқдилар. Ижтимоий-сиёсий ҳамада журналистика тарихидан мақсус темалар бўйича бир қатор лекциялар эшитдилар. Редакциялар берган топшириқларни ўз вақтида бажардилар, рейдларда қатнашдилар.

14 июнда университетнинг ақунловчи машғулот бўлиб ўтди. Унда ёш қаламкашлар газета редакцияларида ўзларининг истақ ва тақлифларини кўриқдилар. Ишчи-деҳқон мухбирлари билан ишлагани кўнгли билан давом эттириш кутадилар.

Е. МИХЕЛЬСОН, Университет проректори.
Суратда: Тошкент денгизида, А. Мальцев фотоси.

КЎЧМА МУКОФОТ ТОШКЕНТ СПОРТЧИЛАРИГА БЕРИЛДИ

Ўзбекистон XII спартакиадасининг мусобақалари бир неча ой давом этди. Мусобақалар саноат норхонала, рн, қолхозлар, совхозлар, қурилиш йиллик ишчилари, республика олий ўқув юртиларида ва муассасаларида ўтказилди. Андишанган маълумотларга қараганда, бу мусобақаларда икки ярим миллиондан кўпроқ киши қатнашди.

18 июнда республика спартакиадаси тамом бўлди. Бош судьялар коллегияси қўриқ чиқарди. Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири Ўзбекистон спорт жамиятлари ва таъкилотлари союзи советининг раиси В. С. Митрофановга муносабат қилиб, бу янгиликларни шарҳлаб бериш, иш сўради. Ўртоқ Митрофанов қўриқчиларни айтди:

— Бўлиб ўтган спартакиада спортчиларнинг маҳорати ошганлигини кўрсатди. Районлар, шаҳарлар, областлар ва республиканинг 500 га

ЎЗБЕКИСТОН XII СПАРТАКИАДАСИ ТАМОМ БЎЛДИ

Шу жумладан штангачилар санъат рекорда, енгил атлетикачилар олти рекорда ва сузувчилар бир рекорда қўриқдилар. Оғир атлетикачиларнинг муваффақиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Улар эришган рекорд натижаларининг кўпчилиги Совет Иттифоқи спорт мастери нормаси дан анча ортиқдир.

Бу гал енгил атлетикачилар ҳам қувончли натижаларга эришдилар. Молют улотирувчи Э. Андрикс, баландликка санъатчилар В. Лебединский ва О. Леонович, фаргоналик югурувчи Т. Неронова, найза киритувчи Г. Подзолос, Сурхондарё областидан келган уюрушчи Е. Дудин ва бошқа кўпгина спортчилар ўтган йилдаги қараганда анча яхши натижаларга эришдилар. Велосипедчиларнинг муваффақиятлари ҳам кишини шодлантиради. Санъаси велосипедчи СССР спорт мастери нормативини тасдиқлади, 6 киши бу нормативини биринчи марта бажарди.

Спартакиада вақтида мастер нормасини ҳиммаси бўлиб 70 дан ортиқ спортчи бажарди.

Команда заъитида Тошкентнинг биринчи коллектив галаба қозонди. Бундан кейинги мунофотли ўринлар Тошкентнинг иккинчи команди, Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Фарғона областларининг коллективлари эгалладилар. Туринг жадалининг пасторигида ўринлар командалар ўртасида қўриқилган тақсимланди: Бухоро, Сурхондарё областлари, Қоракўлонистон АССР, Хоразм ва Сирдарё областлари.

Республикада мактаб ўқувчилари терма командасининг аъзолари проგრманининг бир қанча турлари бўйича яхши муваффақиятларга эришдилар. Улар стол тенниси ва шахмат бўйича иккинчи ўринни, сузиш ва волейбол бўйича учинчи ўринни олдилар.

Хозир энг кучли спортчилар СССР халқларининг 3-спартакиадасига тайёргарлигини бошлаб юбордилар. Янгида мактаб ўқувчилари Волгоградга йўлаб кетадилар. Вутунити-фок спартакиадасида улар кўрсатган натижалар СССР халқлари спартакиадасининг умумий заъитига киритилди.

— Шу парса характерлики, деб таъкиқлади В. С. Митрофанов, — республика терма командасига номсозлар орасида областлардан 170 спортчи бор. Бундай натижага улар ҳеч қачон эришмаган эдилар.



Суратда: Ўзбекистон ССР XII спартакиадасида 100 метрга югуришда биринчи ўринни эгаллаган тошкентлик спортчи Евгений Мачула.

А. Абалон фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 4-БЕТ, 21 ИЮНЬ, 1963 ЙИЛ.

ЖАҲОН ДИҚҚАТИДА

КПСС МК Пленуми ҳақида чет элларда баён этилган фикрлар

„Халқ ленинча йўлни қўллаб-қувватламоқда“

БЕРЛИН, 19 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг марказий газеталари КПСС Марказий Комитетининг кеча очилган Пленуми тўғрисида ўз газеталарини батафсил хабардор қилмоқдалар ва бу Пленумда муҳомада қилинган масала катта аҳамиятга эга эканлигини таъкиқламоқдалар. КПСС Марказий Комитети секретари Л. Ф. Ильичев докладынинг мазмунини босиб чиқарилади.

„Берлинер дейтунг“ газетаси Л. Ф. Ильичев докладининг баънини „Халқ ленинча йўлни қўллаб-қувватламоқда“ деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

„Идеология масалаларида ён бериш мумкин эмас“

ВАРШАВА, 19 июнь. (ТАСС). Польша матбуоти КПСС Марказий Комитетининг идеология иши вазифаларида баъишланган Пленуми ишларини кенг ертимоқда. Барча газеталар бугунги сонларида Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология» ишининг навабатдаги вазифалари тўғрисидаги докладини батафсил баъинини босиб чиқардилар.

„Ижце Варшава“ газетаси доклады баъинини: „Идеология fronti— коммунизм галабаси учун курашда энг муҳим фронтларнинг бири“ деган сарлавҳа остида эълон қилди. Газета кичин сарлавҳаларда кўриқилган ёзда: Шаҳсга сингисинишларини қўриқилиши — партиянинг галабасидир. Коммунизм билан тинчликни чамбарчас болганган. Идеология соҳасида тинч-тотув яшаб мумкин эмас.

ОФАРИН! ҚОЙИЛ!

Италия олимларининг табриги

РИМ, 19 июнь. (ТАСС). Италия олимлари икки совет юлдуз кемасининг космосда биргаликда учини муваффақиятли тугаллангани билан ўзларининг совет ҳамкашларини қизгин таъриқладилар. «Жуذا со, чинакам космос муваффақияти!» — деб ёздаи Италиядаги энг йирик Аретри астрономик обсерваториясининг (Флоренция қишлоғи) директори профессор Ригини. — Совет олимлари, инженерлари ва техниклари бизнинг энг қизгин таъриқларимизни билдиришинизни сураймиз.

Совет космонавтиларининг рекорди

НЬЮ-ЙОРК, 19 июнь. (ТАСС). Учин вақтига калганда: деб ҳар қилади ЮПИ агентлигининг Москва мухбири, Биковский уёқда Бухоро ерга қўриқилган ҳақидаги хабар АҚШнинг гоёт катта радио ва телевизион станциялари шохбаси орқали дарҳол эшиттирилди.

Илмий зафар охирига етказилди!

ЛОНДОН, 19 июнь. (ТАСС). Хар икки жасур космонавт Ерга қўриқди! Космосни заёт этувчи совет кишилари яна бир улкан илмий зафарини голибона тугалладилар. Бу, янгилик, Англияннинг ҳамма жойларига аштин таълиғида тарқалди. Телеграф агентликлари ва Британия радиотанштириш корпора-

„ТИНЧЛИК БИЛАН КОММУНИЗМ ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН“

ТОКИО, 19 июнь. (ТАСС). Япониядаги барча газеталар бугунги сонларида Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишга киришганлиги тўғрисида хабар беришди. Пленумнинг кун тартиби ва КПСС Марказий Комитети секретари Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишининг навабатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладининг баъни эълон қилинди. Газеталар ўз сарлавҳаларида ва шу тўғрисида хабарларга берган шарҳларида Л. Ф. Ильичев тинч-тотув яшаб соҳаси дўғармас сибат эканлигини ва коммунист ҳаракатини жипслаштириш зарур эканлигини таъкиқлади, деб ўқитиб ўтмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг вазифаси, — деб ёздаи «Асахи» газетаси, маданият соҳасида ишлаётган барча арбобларни коммунизм қўрилишига сафарбар қилишдан иборат.

Газеталар Л. Ф. Ильичев докладининг тинчлик билан коммунизмни ажратиш мумкин эканлиги («Нихон кэйдзай» газетаси) ва адро урушини бошқилишига ҳалақит бериш ҳозирги пайтнинг энг муҳим вазифаси эканлиги («Майнити» газетаси) ҳақида гапирилган қисмларини ҳам алоҳида таъкиқламоқдалар.

„Ер юзида тинчлик тантанаси учун“

ДЕХЛИ, 19 июнь. (ТАСС). Москвада КПСС Марказий Комитети Пленуми очилиши тўғрисидаги информация билдириш Умумий хабариди радио соҳаси орқали эшиттирилди ва Деҳли мағбуотида босиб чиқарилди.

„Таймс оф Индия“, «Хиндустан таймс» ва «Стейтсмен» газеталари КПСС Марказий Комитети секретари Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишининг навабатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладининг киска баъинини босиб чиқардилар.

«Стейтсмен» газетаси доклады баъинини «Тинчлик учун кураш—муҳим ваифа» деган сарлавҳа остида эълон қилди.

«Хиндустан таймс» ва «Стейтсмен» газеталари Л. Ф. Ильичев докладининг «Ишчилар синфи революцион ҳаракати, миллий озодлик ҳаракати проблемаларини тинчлик учун, жаҳон термоядро урушунинг олдини олиш учун кураш билан боғламаслик мумкин эмас» деган қисминини алоҳида таъкиқладилар.

Хиндустан матбуоти докладининг шахсга сингисинишларини фоти қилди. КПССнинг буюк маънавий-сиёсий галабаси бўлди, деган қисмига ҳам катта аътибор бермоқда.

Реклама
ВА Эълонлар
ТЕЛЕВИДЕНИЕ
21 ИЮНДА
ВИРНИЧ ПРОГРАММА

<